X. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2018 йилнинг январь-сентябрида автомобиль транспорти томонидан 23,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 110,2 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 599,5 млн. тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 103,6 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь-сентябрь	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган юклар, *млн. тн.*	**23,5**	**110,2**
автомобиль транспортида	23,5	110,2
Юк айланмаси, *млн. тн–км*	**599,5**	**103,6**
автомобиль транспортининг	599,5	103,6

Автомобиль транспортида 23,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 10,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 599,5 млн. тн–км.ни ташкил қилди ва 3,6 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 101,8 фоизга кўпайди ва 456,9 млн. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 76,2 фоизни (2017 йилнинг январь-сентябрида 77,6 фоизни) ташкил этди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 102,5 фоизга кўпайди ва 64,3 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 102,9 фоизга кўпайиб, 1763,9 млн. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь–сентябрь	*Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида*	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган йўловчилар, *млн. киши*	**64,3**	**100,0**	**102,5**
автомобиль транспортида	64,3	100,0	102,5
Йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи–км*	**1 763,9**	**100,0**	**102,9**
автомобиль транспортининг	1 763,9	100,0	102,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 95,5 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 98,0 фоизни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрига нисбатан 1,1 фоизга кўпайди ва 42,2 млн, йўловчи-км, ни ташкил қилди, Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 65,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрида 66,5 фоиз).

Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси,
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси
(2018 йил январь-сентябрь ойларида)